



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 декабр, чоршанба № 185 (832)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Термиз шаҳрининг жаҳон тарихи ва маданиятида тугган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999 йил ноябр ойида Парижда ўтган 30-сессияси Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейини 2001 йилда ЮНЕСКО раҳнамолигида дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қарори тўла қўллаб-қувватлансин ва асос учун қабул қилинсин.
2. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқлансин.
3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Термиз шаҳри юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан асосий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.
4. 3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Сурхондарё вилояти

ҳокимлиги ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси ЮНЕСКО эксперт мутахассислари билан биргаликда Термиз шаҳрининг асосий туристик йўналишида жойлашган ноёб тарихий-маданий обидаларни 2000-2001 йилларда таъмирлаш ва ободонлаштириш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва ташкилий қўмита тасдиғига киритсинлар.

5. Дастурда 2000-2001 йилларда бажариладиган ишлар алоҳида белгилаб кўйилсин ва улар учун тегишли маблағ ажратилсин.
6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Термиз шаҳрини ободонлаштириш, аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш, алоқа-транспорт, соғлиқни сақлаш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.
7. «Ўзбектуризм» миллий компанияси хорижий ва маҳаллий туризм инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатишни яхшилаш чораларини кўрсин, хори-

жий сайёҳларни мамлакатимизнинг, хусусан Сурхон воҳасининг тарихий-маданий мероси билан таништириш чора-тадбирларини белгиласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Фанлар академияси билан биргаликда Термиз шаҳрининг миллий маданиятининг тарихида тугган ўрни ҳақида илмий, илмий-оммабоп нашрларни, турли тақвим ва буклетларни, китоблар ва бошқа асарларни чоп этишни режалаштирсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда 2001 йилда Термиз шаҳрида «Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказсин.
10. Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги Термиз шаҳри юбилейини ўтказиш учун 2000-2001 йиллардаги тайёргарлик ишларини бажаришга ҳар йили белгилаб қўйилган маблағ ажратсин, шу жумладан, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетидан, шунингдек вилоят ташкилотлари ва корхона-шаҳарнинг ҳомиёлик бадаллари ҳисобига қопланишини назарда тутсин.

11. «Ўзтелерадио» компанияси, ЎзА ва оммавий ахборот воситалари Термиз шаҳрининг қадимий тарихи ва маданияти, Сурхон воҳасининг ўзига хос санъатини тарғиб этиш учун видео, телефильмлар яратишни, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини кенг ёритишни таъминласинлар.
12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
1999 йил 27 декабр

Мамлакатимизга Олий мақтаб халқаро академияси президенти Валентин Шукшунув ташриф буюрди. Унинг мақсади таълим тизimini ривожлантиришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш эди. Меҳмон мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртиларида бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этаятган мураббийлар, олим ва мутахассислар билан учрашди.

Учрашувлар чоғида В.Шукшунув Ўзбекистон мустақиллик йилларида таълим соҳасида қатта ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос миллий модели

### ЎЗБЕК МОДЕЛИ ОҶАНРАБОСИ

бутун дунёда эътироф этилган. Бунинг тасдиғи сифатида жорий йилда Ислам Каримов Олий мақтаб халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Ўзбек моделининг устувор йўналиши шахс ва шу асосда давлатни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Халқаро экспертларнинг баҳолашлари, кадрлар тайёрлашнинг ўзбекча модели ўтиш даврини бошидан кечираятган бошқа мамлакатларда ҳам муваффақият билан қўлланиши мумкин. Бу яқинда Тошкентда ўтган халқаро конференцияда резолюциясида ҳам қайд этилган. Мазкур тадбир Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг икки йиллигига бағишланган бўлиб, унда 17 мамлакат, қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Иштирокчилар мазкур дастур қатна амалий аҳамиятга эга эканлигини бир овоздан таъкидладди.

В.Шукшунувнинг фикрича, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муайян натижалар бераётгани Президент Ислам Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича узоқни кўзлаб юритаётган сиёсатидандир. Мазкур ислохотдан мақсад эса кучли иқтисодга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун қудратли кадрлар салоҳиятини яратишдир.

Авал хабар қилинганидек, 1999 йил 5 декабрда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказилиб, икки нафардан кўп номзод кўрсатиш ва улардан бирортаси ҳам сайловчиларнинг яқин кўп овозларини тўплаган 850 округда Қонунга-мувофиқ такрорий овоз бериш белгиланган эди.

Шу йилнинг 19 декабр куни 202 та округда - 10 депутатлари вилоят Кенгашларига, 443 та округда - туман ва 205 та округда - шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича такрорий овоз бериш ўтказилиб, унда сайловчиларнинг тўрт миллион нафарга яқини иштирок этди.

Тегишли ҳудудий сайлов комиссияларининг ахборотларига кўра, такрорий овоз бериш барча округларда сайловларга оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтказилди ва сайлов ўтган деб ҳисобланди.

1999 йил 5 ва 19 декабр кунлари ўтказилган икки тур бўйича овоз бериш натижаларига кўра халқ депутатлари вилоят Кенгашларига - 661, туман Кенгашларига - 4564, шаҳар Кенгашларига - 831 депутат сайланди.

Сайланган депутатларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги бошқа маълумотлар тегишли маҳаллий матбуотда эълон қилинмоқда. Республика ҳокимияти барча вакиллик органлари шаклланди ва улар ўз фаолиятларини тўлиқ ҳаҷмда амалга оширишлари мумкин. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 61 нафари - «Адолат» социал-демократик партияси, 85 нафари - «Ватан тараққиёти» партияси, 20 нафари - «Миллий тикланиш» Демократик партияси, 509 нафари - «Фидокорлар» Миллий демократик партияси, 1997 нафари эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари, 360 нафар депутат вакиллик органлари, 2943 нафари - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 81 нафари - сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари ҳисобландилар. Депутатларнинг 668 нафарини аёллар, 88 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этди.

8 та округда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига, 53 та округда туман Кенгашларига ва 28 та округда шаҳар Кенгашларига сайловларда такрорий овоз бериш пайтида ҳам номзодлардан бирортаси керакли микдордаги овозларни тўплай олмади. Бу округларда сайловлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ, тегишли ҳудудий комиссияларнинг топшириғига кўра, округ сайлов комиссиялари бир ой муддат ичида такрорий сайлов ўтказдилар. Такрорий сайлов натижалари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Умуман олганда сайлов кампанияси ташкилий жиҳатдан юксак савияда ва сайловчиларнинг юқори даражадаги фаоллиги остида ўтди ҳамда мамлакатимизда демократия янада ривожланаётганини, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари қарор топаётганини яна бир ёрқин намойиши бўлди.

### «ДИҚҚАТ, ПИЁДАЛАР!»

Янги йилнинг дастлабки ўн кунидан Тошкент шаҳри йўл ҳаракат хавфсизлиги ҳодимлари шу сиёр остида кенг қўламли тадбир ўтказди. Ушбу ўн кунликда шаҳар йўлларидagi ҳолатни яхшилаш, айниқса, болаларга хавф этиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари томонидан илқ қаршилди. Гап шундаки, йўлларда болаларга шикаст этишининг олдини олиш Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси фаолиятининг биринчи йўналишидир. Бунда мазкур ҳодисаларнинг салмоқли қисми пиёдаларнинг эътиборсизлик ва эътиборсизлиги туфайли содир бўлган. «Диққат, пиёдалар!» тадбирининг бошланishi ҳам юқорида қайд этилган раҳбарлик қўмитаси билан биргаликда амалга ошириб келимоқда. Лекин шунга қарамай, шаҳарда йўл-транспорт ҳодисалари сони ортмоқда. Улардан катталар билан бир қаторда болалар ҳам жабрланаётган. Бу ҳодисаларнинг кўпайишига асосан, автотранспорт сонининг ошishi сабаб бўлмоқда.

Тошкентда 1999 йилнинг 11 ойида икки ярим мингдан ортиқ йўл транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлса, уларнинг 622 тасида болаларга шикаст етган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,2 фоиз кўп. Болалар иштирокида юз берган ҳафтаси ҳодисалар сони эса 8,7 фоиз ошган. Бунда мазкур ҳодисаларнинг салмоқли қисми пиёдаларнинг эътиборсизлик ва эътиборсизлиги туфайли содир бўлган. «Диққат, пиёдалар!» тадбирининг бошланishi ҳам юқорида қайд этилган раҳбарлик қўмитаси билан биргаликда амалга ошириб келимоқда.

Намунадан 30ҶИРОВА, Ўзбекистон телерадиокомпанияси етакчи суҳбатчиси.

- Доим ўз-ўзимга аёлнинг бахти нимада, деб савол берман. Менимча, оиланинг тинчлиги, фарзандларнинг соғлиги, юртининг тинчлигидан кўра ортиқ бахт йўқ аёлга. Яна нима керак аёлга! Бу ҳақда шоиримиз Зулфия Муминова шундай дейди: **Аёлга бахт беринг, савадот беринг, Деманг, юрибди-ку қулиб, жилмайиб. Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб.** Илоҳим, аёллар ҳақини, элда азияз мўқар дам бўлсин. Бу эса қў хижатдан ўзимизга ҳа боғлиқ.

Суҳбатдо Тухфани Ортиқов



### «ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ»НИНГ ПАРВОЗИ

Бугунги кунда Кувасой шаҳридаги «Кувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижда талаб катта. Шу боис чет элда мазкур жамиятнинг довриги баланд. Жамият жамоасининг кетма-кет қўлга киритган муваффақиятлари ҳам бунга ишончли далил бўла олади. Шундай қилиб, ушбу тадбиркор жамоа 1997 йил 17 ноябр кунини Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлари учун «Олтин юлдуз» совринини олган эди. Шу йилнинг 25 октябр кунини Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган 24 - халқаро «Олтин юлдуз» мукофоти конвенциясида «Кувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Худойберди Қосимов ҳам иштирок этди ва у дунёда бизнесни қўллаб-қувватлаш дирекцияси президенти жаноб М.Ф.Плейжер қўлидан анжуманда иштирок этган дунёдаги машҳур профессионал иқтисодчилар, сифат бўйича экспертлар, шунингдек, академиклар ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида маҳсулот сифати учун бериладиган халқаро «Олтин юлдуз» совринини қабул қилиб олди.

Айтиш кераки, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифати

ёрлашни йўлга қўйган. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

- 1997 йилда қўлга киритган муваффақиятимиз, яъни «Олтин юлдуз» совринини олганимиздан кейин биз янада ғайрат билан ишлаб бoшладик, - дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Худойберди Қосимов. - Ҳа ҳа пайтда қисқа вақт ичида четга 2 миллион долларлик маҳсулот сотган эдик. Бу эса бизга сифат масаласида катта масъулият юқлади. 4 хилдаги янги маҳсулот ҳам ишлаб чиқара бошладик. Майдаланган оҳак, 500 марка-

ли цемент, оҳакнинг 85-90 фоиз фаолидаги янги тури шулар жумласига қиради.

Бундан ташқари, корхонада 2 йил мобайнида 100 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Бундай тадбирлар эса корхонада мукамал сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига ундади ва бунга эришилди ҳам.

Айни чоғда корхонада 3000 дан зиёд ишчи сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Улар учун барча имкониятлар яратилган. Жамоянинг аҳиллиги, бирдамлиги ишнинг ривожига, қўзланган мақсаднинг амалга ошишига асосий омил бўлмоқда.

Суратларда: 1. цехи оператори Хусанбой Турдиев. 2. «Кувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти корхонаси шифер ишлаб чиқарувчи 2-цехининг ички кўриниши. Шўҳрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

### 2000 йил - Соғлом авлод йили АСОСИЙ ЭЪТИБОР - БОЛАЛАРГА

2000 йилни «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтказишга қарор қилингани юртимизда улғайиб келаётган ёш авлодга эътибор янада кучайтирилишини кўзда тутади. Шу муносабат билан, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ёш авлоднинг тарбияси ва хавфсизлиги билан боғлиқ барча масалаларни ечиш билан шуғулланувчи махсус хизмат тузиш ташаббуси билан чиқди. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, шунингдек, «Маҳалла» ва «Қамолот» жамғармаларининг пойтахт бўлимлари вакиллари иштирок этган семинарда шу ҳақда сўз борди.

Семинарда бутун шаҳардан ҳозирги кунда профилактика инспекторлари деб юритилаётган участка милиционерлари ҳам қатнашди. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, аҳолининг турли табақалари, жумладан, ўсмирлар ва болалар билан бевосита ишлаш, улар орасида тушунириш ва профилактика ишларини олиб бoриш уларнинг хизмат вазифасига қиради. Янги хизматни ташкил этишда уларнинг тажрибаси асқатишига шўбха йўқ.

Анжуманда таъкидланганидек, махсус хизмат тузишининг моҳияти болалар орасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликни профилактика қилиш, болалар ва ўсмирларнинг ёнгин хавфсизлиги, йўл ҳаракати қондалари, бахтсиз ҳодисалар чоғида бирламчи ёрдам кўрсатиш бўйича билиминини бойитиш билан боғлиқ кенг қўламадаги масалаларни ечишдан иборат. Айниқса, болаларнинг бандлиги муаммосини ечишга эътибор қаратиш керак, яъни уларни турли тўғарақлар, болалар ташкилотларига жалб қилиш лозим. Бунда ишнинг узлуksизлиги ва муайян мақсадларга йўналтирилганлиги мўҳим. Барча иштирокчилар қўлланилаётган тадбирнинг моҳияти ҳам маънавий, ҳам жисмоний авлодни тарбиялашда эканини қўқур англашга керак.

Анжуманда пойтахтнинг энг яхши профилактика инспекторлари фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

### АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

Республика хотин-қизлар қўмитасининг Пленуми бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Пленумда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури» Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмиталари томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Йилгилишда бу борада жойларда муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, Аёллар

айли мақсад ва вазибалари давомилигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада тақомиллаштириш, Соғлом авлод йилида жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, мақтаб ва кенг жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Аёлни қадрлаган элнинг турмуши фаровон, фарзандлари соғлом, оиласида кут-барақа бўлади. Дарҳақиқат, «Аёллар йили»да файзу тароват янада кўпайгандек, эл орасида меҳру-оқибат ошгандай, одамлар янада бир-бирини қўлайгандай. Буларнинг ҳаммасига йил эмас, аёл сабабчи. Аёл сабаб ўтаётган йил муқаддас йилга айланди. «Аёллар йили». Биз касблари ҳар хил уч аёлга битта савол билан мурожаат қилдик: - АЁЛЛАР ЙИЛИ АЁЛЛАРГА НИМА БЕРДИ? Розахон Ибодуллаева, Сергели туман прокурор ўринбосари: - Менимча, энг катта ютуғимиз, бу ҳуқуқий жиҳатдан янги қонун ишлаб чиқилиши бўлди. Унга кўра 3 ёшга тўлмаган фар-

занди бор аёлларга 35 сонатдан ошмайдиган қисқартирилган иш соатлари белгиланди. Шунинг ўзиёқ юртимизда аёлларнинг қандай эъозланаётгани белгисидир. Яна бир гап. Биз жамиятдаги аёлларнинг яна бир табақаси - у ёки бу сабаб билан жиноят йўлига кирган аёлларни ҳам унутмаслигимиз керак. «Хотира ва Қадрлаш кўни» муносабати билан озоликдан маҳрум қилинган аёлларимиз учун амнистия эълон қилингани ҳам инсонпарварлиқнинг олий чўққиси деб айтиш мумкин. Натижада қанча аёл оиласи бағрига қайтиди.

чадан-қанча аёллар турли масалалар бўйича келадилар. Бирон аёлнинг қабуллимдан табассум билан чиқиб кетаётганини кўрсан, демак, саёй-ҳаракатларим беҳуда кетмабди, дея кўнглим таскин топади.

Миз бор. Демакки, 32 аёл маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раисидирлар. Аёллар йили муносабати билан «Файз-ҳолдинг» компания директори Муркаррама Азимова уларга йил давомида маош тўлаб бoришни ўз зиммасига олди. Қаредда одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билсалар, ўша жойда қонун бузилишларига йўл қўйилмайди. Шу боис юристларимиз - судья Дилбар Очилова, адвокат Марзия Отаҳжоевалар қатор учрашувлар ўтказиб, аёлларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиш юзасидан тушунчалар бердилар. Ҳузуримга ҳар кун қан-

# ЖАҲОН - КЕНГ, ДУНЁДА МАМЛАКАТ - КЎП, ЛЕКИН БУ ОЛАМДА БЕТАКРОР ОНА ЮРТИМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ - ЯККАЮ ЯГОНА.

Ислон Каримов.

## Бир фармон шарофати

Лукмон тинглаб удан шифо ларнинг с шайланган лат тибб эса ўз и биёт фан ишундаки, қаерда кишлоқ хўжалиги оқсаб бўлса, ўша жойда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам қийин кечади. Бироқ, омилингнинг шик йўлини тутган кўрик Музработ туманидаги қармасибиев номида деҳқон хўжалиги уюшмасида Н.Отабел ўзгача. 1870 нафар ишчи-хизматчи ярари шунан шарт-шароит кўрган кўзни қувонтиради. Сиб эт аликда 6 та участка бўлиб, барча ерлар - қанмаҳсулот етиштирилишидан қатъи назар, савий пудратчиларга бўлиб берилган. Шу боис, халик ҳамма соҳада илғор. Бу ҳақда хўжаликнинг қасаба уюшма кўмитаси раиси Саидмурод Эмуродов шундай дейди:

## ҲАЁТ ЗАВҚИ

Аҳоли саломатлиги йўлида ҳудудимиздаги кишлоқ шифохонаси ва туғруқхоналарини қайта таъмирлаб бердик. Бундан ташқари, 2 та кишлоқ врачлик амбулаториясининг ярим харажати хўжалик ўз зиммасига олган. Хўжалигимизда ёғи клуб, 4 та умумтаълим ўрта ҳамда 1 та тўлиқсиз ўрта мактаб мавжуд. Хуллас, ишчиларимизнинг эртанги кундан кунгиллари хотиржам. Ҳа, хўжаликда ишлар юришиб кетди. Бунга сабаб эса хўжалик маъмурияти ҳамisha меҳнат шартномасига риоя

қилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий масалаларни олдиндан режалаштириб иш юритади. - Оила аъзоларим билан 16 гектар ерга «Гидереон» навли пахта эккан эдим, - дейди пудратчи Асад Абдуллаев. - Ёмон ишмаддик шекилли, етти иш кунда режани бажардик. Давлатга 49,6 тонна ўрнига 60 тоннадан ошириб пахта сотдик. - Пудратчиларимиз узоқни кўриб ишлашди, - дейди раис. - Энг муҳими, ишчиларимизда меҳнатга муносабат ўзгарди. Моддий манфаатдорлик бўлгач, иш вақтидан ҳам унумли фойдаланилар экан. Қолаверса, бизда деҳқонлар ўзи учун зарур озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ахтариб юрмайди. Нима керак бўлса, дўкондан ҳам арзон нархларда хўжаликнинг ўзидан олишади. Хўжалигимизда 700 дан ортиқ майда мол, 400 дан зиёд қорамол боқилмоқда. Улардан олинаётган маҳсулот ҳам деҳқонларимизнинг тўй-ҳашамларига имтиёзли нархларда берилмаётган.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.



Наманган шаҳрида 1998 йилда «SILK ROAD» (ипак йўли) Ўзбекистон — Япония қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаган эди. Ушбу қўшма корхона 4 та асосий таянчдан иборат бўлиб, уларда пиликлаш, пилталаш, йигирув, ипак пишитиш жараёнлари амалга оширилади. Бу қўшма корхона бир йилда 520 тонна пилла чиқиндисидан 156 тонна олий навли ипак ишлаб чиқармоқда.

Суратларда: 1. Қўшма корхонанинг умумий кўриниши. 2. (чапдан) йигирув цехи ишчилари Муаззам Абдурасулова, Моҳира Расулова ва Салима Юнусбоевалар.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Истеъмолчи манфаати муқаддас

# БОЗОР САРЖИЛ, ДАСТУРХОН ТЎКИН

Истеъмолчи манфаати, унинг эҳтиёжи учун талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини тасвир этиш бозор иқтисоди мезонидир. Шу боис фақат сифатли айтиш чоғда арзон маҳсулот турларини тўхта этиш билангина истеъмолчи эҳтиёжини қозониш мумкин. Сирдарё вилоят Биржа марказида бўлиб ўтган иختисослашган ярмарка бу борада катта имкониятлар эшигини очди. Унда саксондан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, деҳқон-фермерлар иштирок этишди. Истеъмолчилар эҳтиёжга умумий ҳажми 4 миллиард сўмни ташкил этган мингдан зиёд турдаги маҳсулотлардан намуналар кўйилди.

Ярмарка ташкилотчиси вилоят товар хом ашё биржаси ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномаларга воситачилик қилиш билан бирга ҳар иккала томон манфатларини ҳам қафолатлади. Истеъмолчилар таклиф этилган кундалик эҳтиёж учун зарур гўшт, сут, картошка, мева-сабзавот, нон ва макарон маҳсулотларига катта қизиқиш билан қарашди. Умумий савдоларда қиймати 725 миллион 389 минг сўмлик 18 та шартнома имзоланди. Кўплаб хусусий тadbirkorлар, кичик ва қўшма корхоналар, фуқаролар ярмаркада танлов асосида энг арзон нархлардаги маҳсулотларни сотиб олиш имконига эга бўлди.

— Бундай ярмаркаларнинг ташкил этилиши товар ишлаб чиқарувчиларга ҳам, истеъмолчиларга ҳам катта қулайликлар беради, — дейди вилоят тadbirkorлар палатаси раиси Фатхиддин Қўтбидинов. — Бунда ҳар иккала томоннинг ҳам мансади битта. Турмуш фаровонлигини яхшилаш. Бу ерда шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, харидор тасвир этилган маҳсулотни чертиб-чертиб олади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, ўз молини бозорга олиб чиққан ишлаб чиқарувчи сновдан ўтади.

— Хўжалигимизда 150 дан ошмиқ қора мол парваришлаймиз, — дейди «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари Абдураим Очилов. — Шунинг учун аҳолига гўшт, сут сотиш имконимиз бор. Мана бундай ўзимиз тайёрлаган маҳсулотни бозорга олиб чиқдик. Ҳамкорлар топилди.

Ҳақиқатан ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича ўтказилган мазкур ярмарка ўз самарасини берди. Энг муҳими, маҳсулот етиштирувчи ва истеъмолчига катта имкониятлар эшиги очилди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

2000 йил 9 январь - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

## Иқтидорлилар юрт фахри

# ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИГА САЗОВОР

127-лицей... У истиқлолга юз тулган она-юртимиздаги қалдирғоч илм масканларидан биридир. Бу ерда туман мактаблари орасида биринчилардан бўлиб, таълимнинг компьютерлаштирилган тизими жорий этилди. Хозирга қадар лицейни 293 нафар ўғил-қизлар битирган бўлса, уларнинг 284 таси турли олий ўқув юртиларининг талабаси бўлишди. Фақатгина ўтган ўқув йилида химё-биология йўналишидан мукаммал билим олган 91 нафар битирувчидан 86 нафари талаба бўлгани қувончлидир. 14 нафар талаба лицейни имтиёзли равишда битирган муваффақ бўлди. Шу ўринда Республика олимпиадаларининг совриндори, Президентимизнинг шахсий совғасини олишга муносиб бўлган пешқулик Юсуф Мирхоннинг номини фахр билан тилга олиш мумкин. Юсуфхон лицейни аъло баҳолар билан битиргандан сўнг Тошкент тиббиёт олий билимгоҳига кириш имтиҳонларидан энг юқори — 220 балл олган эди. Қўлимизда миннатдорчилик мактуби. Унда шундай сатрлар битилган: «Хурматли 127-лицей мураббийлари! Халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида бор кучингиз ва билимингизни сафарбар қилиб, республикамизда энг

кучли ва билимдон ёшларни тарбиялаётган Сиздек азиз муаллимларга чексиз миннатдорчилигимизни билдираман. Х.БОБОВЕВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори». Худди ана шундай мазмундаги хатлар битилган мактублар азим Самарқанд, қўшма ва навқирон Бухоро шаҳарларидаги олий билимгоҳлардан ҳам келиб турибди. — Иқтидорли ўғил-қизларга салоҳиятли, мудом изланувчан муаллимларгина сабоқ беришга қодир, — дейди лицей раҳбари, Халқ маорифи аълочиси Иброҳим Шодиев, — Кимё муаллими Шойим Назаров, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Тамара Тўхтамишева ҳамда Мукаррам Хаққулова, Марзия Содикова, Саодат Нуруллаева, Шухратхон Ниёзовга ўхшаш педагогларимиз ана шундайлар тоифасига кирди. Академик лицей мақомини олиш тарафдудини кўраётган ўқув масканиди, эндиликда ёш авлодга кимё-биология йўналишига эмас, балки харбий таълим, тарих ва ҳуқуқшунослик, иқтисод фанлари бўйича ҳам пухта сабоқ беришга ўтилди.

Усмон НАВРЎЗ

Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Нурота туман кўмитаси ўз сафида 4 мингга яқин аъзони бирлаштирган. Улар кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, мўлқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Президент илгари сурган кучли ижтимоий сийёсат барча эзгу ишларнинг мазмуни бўлиб қолмоқда. Айтиш мумкинки, олдинга қўйилган вазифаларни бажаришда қасаба уюшмаларининг роли ва таъсирчанлиги ошмоқда. Жумладан, мен ишлаётган Файзулла Хўжаев номи ширкат хўжалигида 1999 йилда чорвачиликда юқори кўрсаткичларга эришилди. Мавсумга соғлом киритилган 14620 бош совлиқдан юз бошига 108 тадан ошириб кўзи олинди. Ҳар юз бош қўй хисобига 74 фоиз кўзи ўстириш учун қолдирилди, шундан 55 фоизини ургочи кўзилар ташкил этди.

Чорвачиликда эришган ютуқлари учун хўжалик туман ҳокимлиги, вилоят қоракўл бирлашмаси туман бўлими ва агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси туман кўмитаси томонидан голиб деб топилди.

Отаримиз қўзилишти мавсумида юқори натижаларга эришгани учун менга имтиёзли асосда «Дамас» енгил автомашина-

## Гурур

# МУКОФОТГА «ДАМАС»

си бериш ҳақида вилоят ҳокимлиги, вилоят қоракўл бирлашмаси ва бирлашма қасаба уюшмаси эса видео жуфтлиги билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилишди. Камтарона меҳнатимга берилган баҳо, яратилган меҳнат шарафти янада унумлироқ ишлашга руҳлантиришда. Мен цех қасаба уюшмаси ташкилотчиси сифатида қасаба уюшмалари ҳаётида фаол иштирок этаялман. Кўрган ва кузатганларим асосида шунини айтиш мумкин: қасаба уюшмалари меҳнаткашларни соғломлаштириш, айнакка, уларнинг санаторийларда дам олишларига йўлланмалар топишда янада фаолроқ бўлишлари, мусобақанинг янги шакллари топилш, жамоа шартномаларининг бажарилишини янада каттироқ назорат қилишлари, бу ишда шижоатли ва қатъиятли бўлишлари керак, деб ҳисоблайман.

Усмон РАҲАБОВ,

Нурота тумани Файзулла Хўжаев номи ширкат хўжалиги бош чўпчиси, цех қасаба уюшмаси ташкилотчиси.

## ТАДБИРКОРНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

«Савдогар» - масъулияти чекланган жамияти Хатирчи туманидаги энг кенжа корхоналардан бири. 17 таъсисчиси бўлган бу жамият шу йилнинг бошида 4 миллион сўм маблағ билан иш бошлаган эди. Қисқа фурсат ичида жамонинг 7 савдо нуқтасида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш аҳолининг талаб ва истаклари ўрганилган ҳолда йўлга қўйилди. Натижада олийк товар айланishi 10 миллион сўмликка етказилди. Беш ой мобайнида савдодан банк кассасига 38 миллион сўм келиб тушди. Эндиликда жамонинг маблағи 11 миллион 300 минг сўмни ташкил этмоқда. Шуниси характерлики, жамоа қошида ташкил этилган паррандачилик фермаси ҳам фойда бера бошлади. Тайёрланаётган парҳез гўшти, тухум шартнома асосида касалхона ва болалар боғчаларига жўнатилмоқда.

## ИШЧИ - АКЦИЯ ЭГАСИ

Митан пахта хиссадорлик жамияти бугунги кунда ўз маҳсулотларини Швейцария, Россия, Болгария, Италия, Англия, Бельгия, Корея, Голландия мамлакатларига жўнатмоқда. Корхона 1995 йилдан хиссадорлик жамиятига айлантирилган бўлиб, жамонинг аксарият ишчилари, жумладан, бригада устаси Очил Ҳасанов, соловчи Юсуф Рўзимуродов, ишчи Лола Султоновалар акция эгаларидир. Жамонинг йилдан-йилга бақувватлашиб бориши ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта имконият яратди. Корхона маъмурияти томонидан шу йил кам даромадли оилаларга 153 минг 700 сўмлик моддий ёрдам берилган бўлса, қасаба уюшма кўмитаси томонидан 30 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Яқка-ёлғизлардан 8 киши корхона қарамоғига олинган. Улардан икки кишининг уйи ҳинда корхона хисобидан тилик таъмирдан чиқарилди. Корхонада дам олиш халари, сауна ишлаб туриди. Ишчи-хизматчиларлик махсус кийимлар билан таъминланиб, қасаба уюшма кўмитаси томонидан кўлаб-қувватланмоқда.

Олимнинг олами тарихни билиш, уни фалсафий англаш ва жараёнлар, хатти-ҳаракатлар ичида фаол бўлишни тақозо этади. Бу — ҳар бир олим, қолаверса, илмий изланувчан шахс учун зарурият ҳисобланади. Олим изланган, янгилар яратди, инсоният ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Пировардида жаҳоншумул тараққиётга ўзига хос ва мос йўл билан кириб боради. Таъбир жоиз бўлса, унинг — олимнинг ўз таълимоти, заковати, фанга қўшган ҳиссаси эътироф этилади. Бу, албатта, жаҳон фани бўсағасида заррадай қўшилган ҳисса бўлса-да, улар кўпайиб, йиғилиб, яхлит такомиллашган ва янада раванк топалган фан-тараққиёт хулосаларини юзага келтиради. Эрамиздан олдин яшаган юнонлик Арриан тарих фани ҳақида фикр юритар экан, тарих воқеа-ҳодисалар, жараёнлар, ўтмиш-кечи «лар йиғиндиси бўлиб қолмай, балки тафаккур, фикрлар умумлашмаси, унинг ўтмиш ва ижобий хулосалари, деган теран фикрни ифода қилган эди.

Таниқли тарихчи, сийёсатшунос Нарзулла Жўраевнинг «Тарих фалсафаси» китобини ўқир эканман, фикр-ғоямга фанимиз ривожигадаги янги, илғор қараш, чуқур фалсафий хулоса келди. Муаллифнинг, «тарих бутун кўлами ва яхлитлиги билан инсон тафаккурининг меваси... Тарих инсон ва инсоният ҳаётининг мажмуаси, унинг ифодаси ва мазмун-моҳия-

тидир», деган фалсафий тушунча-фикрлари музирги мустақил ва миллий тарихимизнинг ўк томирини ташкил қилади. Тарих фалсафаси — бу тарихшунослигимиз учун янги қараш ва янги талқин. Кўпинча, айниқса собиқ Иттифок даврида тарихимизга фақат ўтмиш, воқеа-ҳодисалар йиғиндиси деб қарашга одатланган эди. Бу масала-

нинг бир томони. Иккинчи «муҳим» томони, ўша ўтмиш, воқеа-ҳодисаларни ўз ҳолича, бор бутунлиги, ҳақиқат мезони билан ифода қилиш ўрнига сохта-лаштирилган тарихни «ўз фойдаси» учун ишлатишга, алдашга уринилар эди. Менимча, собиқ СССРнинг қулаши, емирилиши сабабларидан бири тарихни сохталаштириш натижаси бўлиб, ўтмишдан ибрат ва сабоқ олиш ўрнига қуруқ мактос ва кўкларга кўтариб, ўзини ўзи алдади.

Мухтарам Президентимиз, академик Ислон Абдуганиевич Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган теран фалсафий фикри ва мантиқий хулосаси билан тарих фалсафасини ифодалаб, тарих-ибрат, тарих-сабоқ, тарих — панд-насиҳат олами, деган хулосалари билан тарих фанини Мустақиллик гоилари ва ҳақиқат дарёси сарчашмаларига буриб юборди. Ислон Каримовнинг тарих ҳақидаги хулоса-

сабоги, унинг таълимотида тарихни, унинг ўтмиш ҳақиқати ва адолатли ҳаққониятисиз бўлгани ривожланиш ва истиқболли келажакка назар ташлаб бўлмайлади, деган гоилни илгари сурди. Бундай тиниқ ҳаққоний фикрлар минг йиллар оша тарихий бурилишларни бошидан кечирган мамлакатимиз тараққиёти ва келажакги буюклиги учун бир бутун ва яхлит йўл-йўриқ сифатида қайд қилинди ҳамда истиқболимизни белгилашда бекиёс аҳамият касб этди.

Нарзулла Жўраев эса тарихнинг фалсафий ва сийёсий сабоқларини ривожлантириб, «инсоният тарихи тафаккур маҳсули, хатти-ҳаракатлар ва манфаатлар, муносабатлар меваси деган фикрга иқроор бўлса, унинг ўзига хос фалсафаси» ҳақида жуда тўғри ва мустақил тушунча-гоилни илгари сурди. Китобнинг ҳар бир саҳифасида ибратли фалсафий фикрлар

июнда Ислон Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан бўлган учрашувада, тарих фалсафаси, тарих бу сийёсат, тарих бу янгилиниш, тарихий жараён ҳамда «Демократия ва тарихий жараён»дан иборат. Ҳар бир қисм мустақил тафаккур хулосаси сифатида юзага келган. Дарвоқе, биринчи қисм вақтли матбуотда бундан қарийб бир йил олдин эълон қилинганида, тарихчилар, файласуфлар, сийёсатшунослар ўртасида катта эътиборга сабаб бўлган эди. Бундай тарихга бўлган янги талқин муаллиф қарашиди тарих фанига Мустақиллик давридаги демократик жараёнларга аниқ-тиниқ талқин берилиши, яъни ҳар бир Мустақил давлатнинг ўз тарихи, ўз фалсафаси, ўз модели хулосалари бўлиши таъкидланган, дейилади.

## Маънавий бойлигимиз ТАРИХ

Нарзулла Жўраевнинг бундай хулосага келиши бежиз эмас эди. Маълумки, 1998 йил 20 риди, ҳар бир мақола, мусохабаларида «Йилт этиб» кўзга ташланадиган фалсафий фикрлар бўлиши билан бир-бир тарихнинг сийёсий қарашлари ифода қилинар эди. Чунончи, доктор Асадулла Ҳабиб

лик тарихи ва демократик ривожланишга тарихий жараёнлар таъсири ҳақида аниқ ва лўнда фикрлар билдирган эдилар. Демак, тамал тоши йўлбошчимиз томонидан қўйилган эди. Сийёсатшунослик фанлари номзодини Н.Жўраев мухтарам Президентимиз таълимоти азиз китобхонага шарҳлаб берди. Мен иқтидорли тadbirkorнинг бой ва сермақомин лабораториясини узоқ йиллардан буён кузатаман. Ижобий ташкилотларда фаолият кўрсатганла-



